**Ушбу сонда:**

2 *Фаолларимиз* ВАКИЛ масъулиятни ҳис этса

3 ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

4 ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 11 апрел, сешанба № 64 (2113)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 апрел куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Мироновни қабул қилди.***

- Ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир, - деди Ислом Каримов. - Мамлакатларимиз ўтган йилнинг ноябрида Москвада имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага мос равишда ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириб, тараққий эттирмоқда.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан имзоланган алоқаларни иттифоқчилик даражасига кўтариш тўғрисидаги ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни барча соҳаларда кенг ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб берди. Бугунги кунда Ўзбекистон- Россия ҳамкорлиги сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий ва ҳарбий- техникавий, ижтимоий йўналишларда юксалиб бормоқда.

Ҳамкорлик алоқаларининг янгича сифат касб этишида ҳукумат ва парламент доиралари ҳам салмоқли ўрин тутмоқда. Сўнгги беш ой мобайнида Россия Федерациясидан Ўзбекистонга 14 расмий делегация ташриф буюргани, жумладан, улардан тўрттаси парламент вакилларидан иборат бўлгани диққатга сазовордир.

Парламентлараро алоқаларни янада такомиллаштиришдан, унинг доирасида қонун ижодкорлиги борасида тажриба ва ахборот алмашувини кенгайтириш ва халқаро сиёсат билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан узвий мулоқотлар олиб боришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор. С.Мироновнинг ташрифи асносида Ўзбекистон ва Россия парламентларининг юқори палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзолангани бунинг яна бир тасдиғидир.

С.Миронов айни пайтда МДҲ Парламентлараро ассамблеяси кенгашига ҳам раислик қилмоқда. Бу эса унинг ташрифи Ўзбекистон билан Россия олий қонун чиқарувчи органларининг Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокамаси учун ҳам қулай имкониятдир.

Меҳмон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат сенаторларининг мулоқоти иттифоқчилик муносабатлари анъаналарига мос тарзда фаоллашиб бораверишига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Россия парламентлараро алоқалари билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

***Шонли тарихимизда ўчмас из қолдирган, миллатимиз тимсолига айланган буюк аждодларимиз орасида Соҳибқирон Амир Темурнинг ўрни бекиёс. Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан улуғ бобомиз таваллуд топган санани кенг нишонлаш анъанага айланди.***

9 апрел куни пойтахтимиздаги Амир Темур номи билан аталувчи хиёбон эрталабданоқ ҳамшаҳарларимиз, пойтахт меҳмонлари билан гавжум бўлди. Бу ерга олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари тўпланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Темурийлар тарихи давлат музейи директори, Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси раиси Нозим Ҳабибуллаев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида неча минг йиллик бой тарихимиз, эзгу анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш, буюк аждодларимизнинг меросини мукаммал ўрганиш ва тарғиб этиш, улар хотирасига эҳтиром кўрсатишдек хайрли ишларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши бунёдкорлик ва яратувчиликни ўзининг эзгу амалларидан деб билган Амир Темурнинг 670 йиллигига тўғри келишида ҳам ўзига хос маъно бор. Негаки, хайр-саховат, мурувват, адолат Соҳибқирон фаолиятининг асосий мезони бўлган. Айни пайтда улуғ бобомизнинг бебаҳо

ўгитлари мустақил она-Ватанимизда амалга оширилаётган эзгу ишларда амалий ифодасини топаётир.

Шуниси эътиборлики, Соҳибқирон таваллуди билан боғлиқ бу йилги танаталар Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига ҳамоҳанг тарзда нишонланмоқда. Зеро, наинки юртимиз, айни чоғда жаҳон цивилизацияси тарихида бобокалонимиз ҳамда қадимий Қарши алоҳида ўрин тутади. Мазкур саналар билан боғлиқ илмий анжуманларнинг нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг Испания, Франция, Бельгия каби давлатларида ҳам ўтказилиши Амир Темур ғояларининг нечоғли ҳаётбахш ва долзарб эканидан, шунинг баробарида, миллатимиз тарихига бўлган қизиқишнинг жаҳон миқёсида тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ҳаёти, фаолияти, маънавий меросининг аҳамиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган бундай тадбирлар юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

**(ЎзА)**

# БУНЁДКОРЛИК ВА САХОВАТ ТИМСОЛИГА ЭҲТИРОМ

***Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган кўрик-танлов якунланди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Мудофаа вазирликлари, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган эди. Мазкур ижодий беллашувдан кўзланган асосий мақсад - ёшларда миллий давлатчилигимизнинг бой анъаналарини ҳар томонлама чуқур англаш, уларда миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтиришдан иборат эди.

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Самарқанд Архитектура ва қурилиш институти талабаси Адҳам Ёқубов «Тегина бегим ўғли Темурбек» ҳайкали учун, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм кичик сержанти Ҳабибжон Мамажонов қулолчиликдаги туркум ишлари учун, Республика болалар бадиий ижодиёти маркази тасвирий санъат студияси ўқувчиси Музаффар Қодиров «Амир Темур», «Боғи Дилкушо» каби расмлари учун, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти талабаси Зуҳра Собирова «Темур тузуклари»да руҳият минтақаларига бағишланган ижодий иши учун кўрик-танловда биринчи ўринга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Соҳибқирон Амир Темурга бағишлаб эълон қилган энг яхши шеър танлови натижалари ҳам маълум бўлди. Ғолиблик Бухоро Давлат университети ўқитувчиси Нодира Афоқова ҳамда Сурхондарёнинг «Чағониён» газетаси мухбири Шодмонқул Саломовга насиб этди.

**(ЎзА)**

# РОССИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Миронов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлди.***

Сенат раиси Илгизар Собиров билан учрашувда икки мамлакат парламентлари юқори палаталари ўртасидаги алоқаларни ҳамда қонунчилик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Меҳмонлар Сенат ва унинг қўмиталари фаолияти билан танишдилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди. Бу Олий Мажлис Сенати тарихида имзоланган илк халқаро ҳужжат бўлди.

**(Давоми 2-бетда)**

## *Бандлик дастури — амалда*

# СЎЗАНАГА БИТИЛГАН БАЙТЛАР

***Бахмалсой қишлоғи хотин-қизларининг кўпчилиги қўлигул, чевар тикувчилар ҳисобланишади. Улар уй-рўзғор юмушларидан бўшаган вақтларида гилам тўқиш, мунчоқли тақинчоқлар, ёстиқ жилдлари, бадиий каштачилик каби халқ ҳунармандчилиги билан машғул бўлишади. Аёллар қўли билан тикилган буюмда кўзни қамаштирувчи ипаклар жилоси ва рангларнинг уйғунлашуви кишини ўзига мафтун этади.***

Манзура қишлоққа келин бўлиб тушгач, орадан кўп вақт ўтмай қайнонасининг сандиғида тугалланмай қолган сўзана ва бир қанча қадимий нақшларни кўриб худди йўқотган нарсасини топиб олгандай ҳаяжонга тушди. Янглиш хола серфарзанд бўлгани учун рўзғор ташвишларидан ортиб сўзанани охиригача етказа олмаганди. У келинининг бадиий каштачиликка иштиёқи баланд эканлигини пайқаб, буюмдаги кашталарга мос иплар топишда кўмаклашди. Ҳадемай сўзана тайёр бўлди. Товланиб турган қуёш, зангори осмон ва етти турдаги камалак ранглари матода ўзгача товлана бошлади.

Манзура Тошкент шаҳридаги «Машҳура» ўқув марказининг тайёрлов курсларида таҳсил олган эмасми, ҳузурига қишлоқ хотин-қизлари тез-тез келиб турадиган, унинг ҳунарини эгалласам, битта сўзана тиктириб олсам деганларнинг сон-саноғи йўқ эди. Ёш келин халқ ҳунармандчилигига иштиёқманд ўсмир ва ёшларга ўзининг малака ва маҳоратларини ўргатишдан асло эринмади. Лекин уч хонали уйида улар билан шуғулланиш учун бир мунча ноқулайликлар туғила бошлади. Тадбиркор Аъзам ота Сулаймонов унинг оғирини енгил қилиш мақсадида ёрдам қўлини чўзди. Кўп ўтмай икки қаватли замонавий бино улар ихтиёрига берилди. Шундан сўнг қишлоқ қизларининг халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бора-бора Заргарсой, Кўкгумбаз, Қангли ва Обуз қишлоқларидан ҳам қизлар қатнаб бадиий каштачилик, бухороча зардўзлик, аёл ва болалар кийимларини тикиш курсларида ҳунар ўргана бошлашди.

Ўтган йили «Манзура ўқув-тикув цехи»нинг ишга туширилганлиги мураббий М. Ишатованинг дадил қадамларидан бири бўлди. Қисқа вақт ичида бу ерда 250 нафар шогирд ҳунар ўрганди. Эндиликда цехда курсларни тугаллаган Шаҳноза Ўсарова, Дилфуза Шерматова, Динора Исломова каби мутахассислар ўзлари мустақил қишлоқ ёшларига ҳар хил ҳунарлардан сабоқ беришяпти.

Ҳозирда цехдаги уч гуруҳда 45 нафар қишлоқ қизлари бадиий каштачилик бўйича, 60 нафар ёш эса болалар ва аёллар кийими, миллий либослар ҳамда уй-рўзғорда керак бўладиган буюмлар тикиш каби ҳунарларни ўрганишяпти. Уларга Манзура Ишатова мураббийлик қилиб, миллий ҳунармандчилигимизнинг сир-синоатларини ўргатмоқда. Энг муҳими, қишлоқдаги 25 нафар ёш иш ўринлари билан таъминланди.

— Ҳунарли киши хор бўлмайди, — дейди ўқув-тикув цехи мураббийи М. Ишатова биз билан суҳбатда. — Ёшлар ўзлари ёқтирган ҳунарни севиб эъзозласа, жамиятимиз учун келгусида кўпроқ наф келтирса, эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибори ортиб боради.

Яқинда Ғаллаорол туманидаги «Манзура ўқув-тикув цехи» мураббийи М. Ишатова «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг вилоят босқичида гилам, сўзана, аёллар кўйлаклари, ёстиқ жилдлари, турли миллий қўғирчоқлар, бир-бирини такрорламайдиган каштапар, мунчоқдан тикилган тақинчоқлар ва шу каби халқ ҳунармандчилиги буюмлари билан қатнашди. Ҳунарманд-уста ўзининг кўп жиҳатдан устун эканлигини кўрсатиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди ва кўрик-танловнинг дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**

## ХУСУСИЙ ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

***Навоий шаҳридаги «Умид» кўрғонида «Вагус» хусусий диагностика-даволаш маркази иш бошлади.***

Замонавий усулда қурилган икки қаватли шинам бино бу ерда яшовчи ўн мингдан ортиқ аҳоли учун катта қулайлик яратди. Шифохонанинг терапевт, неврология, гинекология, жаррохлик, гематология, стоматология, физиотерапия, лор каби бўлимларида 40 нафарга яқин тиббиёт ходими кунига юзга яқин беморга хизмат кўрсатади. Бу ерда 12 ўринли кундузги стационар ҳам очилган. Тиббиёт масканини барпо этишда тадбиркор Тўлқин Зайнуддинов бошлиқ «Вагус» масъулияти чекланган жамиятининг ҳомийлик кўмаги катта бўлди.

***Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак***

# ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА

## бир бошдан қорамол тортиқ қилинди

***Касби туманидаги Хўжа Касби қишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси билан ёрдамга муҳтож ўнта оила аҳволидан хабар олиниб, кўнгил сўралди. «Касби туман пахта тозалаш» очиқ хиссадорлик жамияти томонидан кам таъминланган Мадина Жўраева оиласига бир бош қорамол тортиқ қилинди. Энди соғин сигирли хонадон фарзандлари сутдан зориқишмайди.***

Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг биринчи чорагида эҳтиёжманд оилаларга 280 бош қорамол, 260 бош майда мол, 3 мингдан зиёд парранда ҳадя қилинди. Йил бошидан бери мингдан зиёд ёрдамга муҳтож оилалардан 620 нафари моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Ҳомийлар ёрдамида 100 дан зиёд хонадон соғин сигирга эга бўлди. Эҳтиёжманд кишиларга 5 миллион сўмлик чорва моллари ва парранда тарқатилган бўлса, 11 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Саховат, бағрикенглик, меҳр-мурувват, ватанпарварлик каби фазилатлар маҳаллада шаклланади, - дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Фазолат Бафоева. — Турли миллат ва элат вакилларини жипслаштирадиган маҳаллада дўстлик ва бародарлик қарор топади. Ҳашар йўли билан гулу-гулзорлар обод ва кўркам масканлар бунёд этилади.

Қашқадарёнинг қадимий манзилгоҳларидан бири ҳисобланган Касби тобора гўзаллашиб, чирой очиб бораяпти. Жорий йилнинг баҳорида тумандаги 26 та маҳаллада 200 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазилиб, ҳар бир қишлоқда 2 гектардан 5 гектаргача боғ барпо этилди. Муғлон, Хўжахайрон, Комилон, Денов, Майманоқ қишлоқларида болалар спорт мажмуалари қуриб битказилди.

Қадимдан ўзининг моҳир кулоллари, тандирчи ва ҳунармандлари билан машҳур бу мавзеда хайрли ишлар бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Касби кулоллари ясаган хум, кўза ва офтобалар донғи Англия, Германия, Туркия каби хорижий давлатларга ҳам кетган. Ёғоч ўймакорлик устаси Зубайдулла Сатторовнинг ясаган китоб шаклидаги қутичалари, столлари аллақачон хорижлик коллекционерлар тўпламларидан ўрин олган.

**(Давоми 3-бетда)**

***Наврўз байрами ва Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган умуммамлакат марафони ниҳоясига етди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри енгил атлетикачилари сўнгги марра - қадимий Кеш шаҳрининг Оқсарой майдонига етиб келди.***

## МАРАФОН ЯКУНЛАНДИ

Барча босқичлар якунига кўра умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Қашқадарёликлар иккинчи, Фарғона вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллади. Шахсий биринчиликда эркаклар ўртасида сурхондарёлик Андрей Сорокин, хотин-қизлар ўртасида андижонлик Дилшода Саиджонова ғолиб топилди. Қашқадарё вилояти вакили Ирода Пўлатова «Марафон маликаси» унвонига сазовор бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда қутлуғ саналарга бағишлаб, аҳолининг кенг қатламини спортга жалб этиш мақсадида ташкил этилган умуммамлакат марафони янада оммавийлик касб этмоқда. Бу галги марафонда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган минглаб ҳаваскорлар ва спортчилар иштирок этди. Улардан 168 нафари 2 минг 700 километрлик масофани тўлиқ босиб ўтди. Айниқса мусобақа давомидаги ҳаяжонли учрашувлар, самимий мулоқотлар ҳеч қачон ёддан чиқмайди.

Умуммамлакат марафони қатнашчилари буюк Соҳибқирончнинг ҳайкали пойига гуллар қўйди. Ғолибларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

**(ЎзА)**

# ЖАМОАТЧИЛИК - ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТАРАФДОРИ

***Ўзбекистонда демократик қурилиш жараёнида фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги мунтазам ортиб бормоқда. Улар нафақат асосий ютуқларимиз ва мамлакатни янада ривожлантириш йўналишларидан хабардор бўлиш, балки амалга оширилаётган ислоҳотларда бевосита иштирок этишга интилмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган охирги социологик тадқиқот натижалари шундан далолат беради.***

Сўровдан кўзланган мақсад Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 10 февралдаги 2005 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қайд этилган мамлакатда рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар моҳиятидан фуқароларнинг нечоғли хабардорлигини аниқлаш эди. Сўровда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида яшайдиган шаҳар ва қишлоқ аҳолиси вакиллари қатнашди.

Олинган маълумотлар шундан далолат бермоқдаки, фуқароларнинг кўпчилиги давлатимиз раҳбари нутқининг мазмуни билан яхши таниш ва унда баён этилган Ўзбекистон иқтисодиётининг бугунги ривожланиш даражаси ҳақидаги хулосаларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Сўралганларнинг 69,7 фоизи мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва нормал ривожланмоқда, деб ҳисоблайди. Ўзбекистонликлар Президентнинг иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий манбалар қулай ташқи омиллар ҳамда углеводород хомашёси ва ресурсларига бўлган жаҳон нархлари эмас, биринчи галда, чуқур ўйланган узоқ муддатга мўлжалланган бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилиш дастури ижросининг натижалари бўлгани ҳақидаги фикрига қўшилади.

**(Давоми 2-бетда)**

# ЖАМОАТЧИЛИК - ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТАРАФДОРИ

*(Боши 1-бетда)*

Сўралганларнинг аксарияти Ўзбекистон иқтисодиётига ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятлари хос (сўралганларнинг 78 фоизи), амалга оширилаётган ислоҳотлар оилаларнинг моддий аҳволига ижобий таъсир қилди (65,4 фоиз) деган фикрда. Шу билан бирга, Президент маърузасида таъкидланганидек, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш учун, сўров иштирокчиларининг фикрича, даромад солиқларини пасайтира бориш сиёсатини давом эттириш (сўралганларнинг 44,7 фоизи), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш (31,1 фоиз), тегишли қонунларни қабул қилиш (22 фоиз), иқтисодиётнинг ҳуқуқий таъминланганлик даражасини ошириш (21,7 фоиз), хорижий инвестицияларни жалб қилиш (16,2 фоиз) зарур.

Ўзбекистон фуқаролари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида қайси вазифаларни энг муҳим деб ҳисоблаш масаласида ҳам давлатимиз раҳбари билан бир фикрда. Жумладан, улар энг бирламчи вазифа сифатида биринчи ўринга хусусий тармоқни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, шу жумладан, микромолиялаш масаласини қўйган. Иккинчи ўринда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш вазифаси турибди. Кейин эса моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотни олиш ва сотиш тизимини эркинлаштириш, иқтисодиётни тизимли ва изчил янгилаш, давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик субъектлари ва тадбиркорларнинг иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларини ҳал этиш лозим, деб ҳисобламоқдалар.

Аҳолининг Президент маърузасидаги асосий хулосаларни қўллаб- қувватлаётгани шундан ҳам кўринадики, у билан танишиш давомида сўралганларнинг 70,6 фоизида, ўзларининг айтишича, эртанги кунга ишонч ҳисси янада мустаҳкамланган. Бундан ташқари, сўралганларнинг 74,5 фоизи фикрича, 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қўйилган вазифаларни бажариш учун мамлакатда барча зарур шароит бор.

Сўров натижаларига кўра, мамлакатимизда оилаларнинг фаровонлиги (68,5 фоиз) ва умуман давлатимизнинг иқтисодий қудрати (69,7 фоиз) бундан кейин ҳам орта боради. Белгиланган ривожланиш стратегиясини амалга ошириш йўлида дуч келадиган асосий тўсиқлар сифатида жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органларидаги расмиятчилик, уюшган жиноятчилик, террорчилар ва диний экстремистларнинг кирдикорлари, табиий ва техноген фожиалар эҳтимоли айтиб ўтилган.

Ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлига фуқароларимизнинг ишончи юқорилигини яна бир бор тасдиқлади. Социологик тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, мамлакат аҳолисининг мутлақ аксарияти давлатимиз раҳбарининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларни давом эттиришга қаратилган стратегиясини қўллаб-қувватлайди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади**

## *Фаолларимиз*

# ВАКИЛ масъулиятни ҳис этса

Йўлдошали бугун ҳам одатдагидек эрта турди. Турмуш ўртоғи тайёрлаган дастурхон атрофига ўтирди. Розия унинг шошиб турганини сезди-да, ботинмайгина сўради.

— Нима гап, дадаси, тинчликми? Бир-икки кундан буён ҳаловатингиз йўқ.

Турмуш ўртоғининг бу саволига Йўлдошали кулимсираб қўйди.

— Яқинда корхонамизда янги мавсумга тайёргарлик ишлари бошланади. Ўзинг биласан, бундай пайтда қўл қовуштириб ўтириш яхшимас. Ахир мен меҳнат муҳофазаси жойдан чиқди. Мақсад ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик.

— 2004 йилнинг сентябр ойи эди. Ўша кунги мажлиснинг кун тартиби корхона меҳнат муҳофазаси вакилларини сайлаш эди, — дея ҳикоя қилади Йўлдошали Абдуҳалилов. — Шу масала бўйича корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Турсунали Сотиболдиев сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида корхонада меҳнат муҳофазаси вакилларини сайлашни таклиф этди. Ушбу масала бўйича сўзга чиққан корхона раҳбари ўринбосари Р.Сирожиддинов, ишчи Б.Аҳмедовлар ҳам меҳнат муҳофазаси талаблари доимо назоратда бўлиши хавфсизлик гарови эканлигини алоҳида таъкидлашди. Шу куни корхонамиздан 16 нафар кишига ишонч билдирилди. Улар орасида мен ҳам бор эдим.

Бу Йўлдошалининг иккинчи бор меҳнатни муҳофаза этиш вакили этиб сайланиши эди.

Ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи ишчи-хизматчилар ўртасида тинмай тушунтириш ишларини олиб боришни талаб этади. Озгина лоқайдлик қимматга тушиши мумкин. Масалан, у тола зичлагич айланма яшигида чироқли сигналнинг ишламаслигини сезиб қолди. Қуритиш барабанидаги блокировканинг носозлиги ҳамда линтер цехидаги чанг сўргичларнинг мунтазам ишламаслиги ҳам унинг саъй-ҳаракати билан бартараф этилди. Унинг фаолиятида баъзида қаттиққўллик ҳислати ҳам асқотмоқда. Меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилганлиги учун унинг тавсиясига биноан иккинчи ишлаб чиқариш смена бошлиғи Баҳром Баротовга маъмурият томонидан ҳайфсан берилди.

Вакил меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутадиган жамоа шартномасига ҳам ўз таклиф мулоҳазаларини мунтазам равишда бермоқда. Шунингдек, унинг таклифига биноан иш жойларини шаҳодатлаш, ишчи-хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва махсус кийим-бош билан тўлиқ таъминлаш масалалари жамоа шартномасига махсус банд этиб киритилди. Шу билан бирга унинг тавсияси билан тола тортиш тарозихонаси, арра ўткирлаш ва механика устахоналарида иш шароити яхшиланди.

Йўлдошали Абдуҳалилов билан суҳбатлашиб қолсангиз, у қурилиш бўлимидан Абдураҳмон Ўринов, механика бўлимидан Сулаймон Шамсов, тозалаш цехидан Ҳасанбой Фозилов, линтер цехидан Ғайрат Розиқовлар номини ҳурмат билан тилга олади. Улар қўлни-қўлга берган ҳолда корхонада ишчи-хизматчилар ўртасида жароҳатланиш бўлмаслиги учун фаолият кўрсатишмоқда. Бу ҳақда корхона касаба уюшма етакчиси Турсунали Сотиболдиев шундай ҳикоя қилади:

— Корхонамизда 461 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароит яратилган. Цехларимиз 2003 йили қайта реконструкция қилиниб, линтерлар ўрнатилди. Бунинг натижасида даромад ҳам ошиб бормоқда. Ўтган йили 18 минг 700 тонна пахтани қайта ишладик. Олинган соф даромад эса 23 миллион 800 минг сўмни ташкил этди. Шу ҳисобдан кам таъминланган оилаларга 670 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Меҳнат муҳофазаси ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан. Вакилларимиз қўлни-қўлга бериб ишлашмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришда 8 йилдан буён бирорта ҳам жароҳатланиш содир бўлмади. Бу борада бизга Тошкент вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгашининг мутахассислари катта ёрдам беришаяпти.

Касаба уюшма етакчиси таъкидлаганидек, ҳар йили корхонада меҳнат муҳофазасига оид 20 соатлик ўқув уюштириб борилмоқда. Ҳар уч ойда ўтказиладиган даврий машғулотлар ҳам ўзининг яхши натижасини беряпти. Ҳафтанинг ҳар душанба куни вакиллар иштирокида чилангарлар, электрчилар, ғарам йиғувчилар, линтер операторлари ўртасида меҳнат муҳофазаси юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Биз меҳнат муҳофазаси вакили Йўлдошали Абдуҳалиловнинг бундан буёнги иш режалари билан қизиқдик.

— Иш кўп. Электр жиҳозлардан фойдаланиш ва уларнинг носозлигини текшириш, қуритиш барабанида ишловчиларнинг техника хавфсизлиги талабларига риоя этишларини назорат этиш шулар жумласидандир, — дейди у. — Мана яқинда корхонамизда таъмирлаш ишлари бошланади. Бу жараён ҳам бизнинг доимий диққат эътиборимизда бўлиши шарт.

**Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири**

## *Бор бўл, оқибат!*

# МИННАТДОРЧИЛИК БОИСИ

***Шу йилнинг бошларида Жиззах туманидаги 30-мактабнинг раҳбари Т.Умировнинг яшайдиган хонадонида ёнғин содир бўлиб, бор-буди ёниб, кулга айланди. Бунга аввало кўни-кўшни махалла-куй, якин қариндошлар бефарқ қараб туришмади. Устоз ҳолидан хабар олишга кўплар ошикди. Таълим ва фан ходимлари вилоят касаба уюшма кенгаши ҳам бундай савобли кўмакдан четда колмади. Ёнғиндан талофат кўрган оилага ёрдам кўлини чўзди.***

— Кўп йиллардан буён касаба уюшма аъзосиман, - дейди Т.Умиров. — Оғир кунимда елкадош бўлган касаба уюшмалари вилоят ташкилоти раҳбариятига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Жиззах политехника институтининг 1-курс талабаси О.Норбеков, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг IV курс талабаси Б.Ҳошимов каби чин етимларга ҳам энг кам ойлик иш ҳақининг 3-4 баробари миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши жорий йилнинг дастлабки чорагида ўз ҳисобидан 244 та кам таъминланган оилага 5 миллион 332 минг, 147 та кўп фарзандли оилага 564 минг, 58 нафар нафақахўрга 188 минг, 120 нафар ногиронга 376 минг, уруш фахрийларидан 28 нафарига 263 минг, 127 нафар меҳнат фахрийсига 535 минг 800, 18 нафар байналмилал жангчига 169 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида ҳозиргача касаба уюшма маблағи ҳисобидан 3 миллион сўмлик беғараз ёрдам кўрсатдик, - дейди тармоқ кенгаши раиси Ё.Рустамов. — Бундай фаолиятимиз йил давомида амалга ошади. Хусусан, эҳтиёжманд кишиларни ва улар оила аъзоларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор берилади. Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Э.Усмонова ҳам кенгашнинг бевосита ҳомийлигига олинган.

**А.АБДУМАННОПОВ**

# РОССИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

**(Боши 1-бетда)**

- Мазкур ўқитим Ўзбекистон билан Россия ўртасида қонунчилик борасидаги алоқаларни янада кенгайтиришда улкан аҳамият касб этиши шубҳасиз, - деди С. Миронов. - Ушбу ҳужжатга мувофиқ яқин кунларда ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўйича икки мамлакат сенаторларидан иборат экспертлар комиссиясини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, сенатлар девонлари ўртасида ҳамда Ўзбекистон вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳужжатда ўз ифодасини топган.

Шу ўринда Ўзбекистон билан Россия муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар, жумладан, ўтган йил ноябрда Москвада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин имзолаган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон бой маданий ва тарихий меросга эга мамлакат эканини ҳам алоҳида таъкидлашни истар эдим. Хусусан, кеча қадим Самарқандда бўлганимда қадимий обидалар, айниқса, Мирзо Улуғбек расадхонаси менда унутилмас таассурот қолдирди.

Россия парламент делегацияси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан ҳам музокара ўтказди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Мазкур ташриф бу борадаги алоқаларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари ҳузурида Ўзбекистон билан Россиянинг ўзаро муносабатларига доир долзарб мавзуда маъруза қилди.

Шу куни Россия парламенти делегацияси аъзолари Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ҳам бўлди. Бу ердаги кутубхонада сақланаётган нодир китоблар билан танишди.

Ташриф якунида С.Миронов журналистлар билан суҳбатда Андижон воқеаларини узоқни кўзлаб амалга оширилган террорчилик ҳаракатидан ўзга нарса эмас, деб баҳолади. - Шунинг учун Россия Ўзбекистон ҳукуматининг 2005 йил май ойида Андижонда юз берган фожиали воқеалар чоғида кўрган чора-тадбирларини тўла қўллаб- қувватлайди. Андижон воқеаларининг ташкилотчилари нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси, ҳатто Россияга қарши қўпорувчиликлар уюштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу боис Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мазкур террорчилик хуружини бартараф этиш юзасидан кўрилган чора- тадбирлар мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ягона тўғри йўл эди,- деб таъкидлади Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси С.Миронов.

**(ЎзА)**

## *Жараён*

# ТАЪМИРЛАШ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

***Тошкент вилоятида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Илм масканлари тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланаяпти.***

— Қуйи Чирчиқ туманидаги 51 та мактабда 22 минг нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Э.Лаханов. — Ўтган йили дастур режасига кўра иккита мактаб капитал таъмирланди, иккитаси реконструкция қилинди.

Жорий йилда тўртта мактаб таъмирланиб, яна шунчаси капитал реконструкция қилинмоқда. Бу ишлар учун бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши режалаштирилган. Таъмирлаш ишлари бошланган илм масканларида ўқув жараёнининг бир маромда давом этиши учун зарур чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Жойларда спорт мажмуалари барпо этиш, уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг мажмуаси қад кўтарди.

Болалар бу ерда енгил атлетика, бокс, футбол каби турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

**Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири**

# СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ

***Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Нодир-Н» хусусий корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва бежиримлиги билан тобора истеъмолчилар эътиборини тортмоқда. Айниқса, бу ерда тикилаётган аёлларнинг замонавий либослари, зардўзлик буюмлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Буюртмачиларга кўрпа-ёстиқлар, ғилофлар, ишчи коржомалари ҳам пешма-пеш етказиб берилмоқда.***

Айни кунда 15 нафар қўли гул чевар меҳнат қилаётган мазкур кичик корхонада бир ойда икки миллион сўмликдан зиёд бичиш-тикиш ишлари бажарилади.

- Айни дамда чевар аёлларнинг уй шароитида даромад топишига имкон яратиш борасида касаначиликни йўлга қўймоқдамиз, - дейди корхона раҳбари Тамара Мусаева. - Шунингдек, хотин-қизларга ҳунар ўргатиш мақсадида сартарошлик, пазандачилик, тикувчилик, уй ҳамшираси каби ўқув курсларини очдик.

## *Меҳнат муҳофазаси*

# ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

***Лоқайдлигимиз, бепарволигимиз сабаб, баъзан фалокатни ўзимиз чақириб олишимиз ҳам бор гап. Ҳайдовчи Рустам Ниёзов эҳтиётсизлиги боис, ногирон бўлиб қолди. Оқибатда бунинг жабрини оиласи, у ҳайдовчилик қилаётган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, қолаверса жамоа тортди.***

***Рустам товон пулини олди, айбдор мансабдор шахслар жазога тортилди. Айтмоқчимизки, адолат қарор топди. Аммо унинг ибрат бўладиган сабоқлари бор. Ана шу ҳақда фикр юритмоқчимиз.***

## УЗУКДА НИМА АЙБ?

Абдумалик Абдуллаевга диспетчерхонадан майдончага башмоқлар юкланган машина келиб тўхтаганлигини хабар қилишди. Автоуловдан юкларни бўшатиш, тайёр маҳсулот — автомобилларнинг навбатдаги туркумини Ахтачидаги темир йўл платформасига жойлаштириб, зудлик билан жўнатиш керак эди. Чунки буюртмачи «Асака-автоҳамкор» корхонаси билан ана шундай шартнома тузилганди.

Абдумалик Набижон Бозоров бошлиқ ишчилар бригадасини ёнига чақирди. Сабаб, Набижон корхонада меҳнат муҳофазаси хавфсизлиги бўйича вакил ҳисобланади. Қолаверса, атиги бир кун олдин муҳандис Валерий Въюжанин томонидан юк юклаш ва тушириш бўйича ўтказилган хавфсизлик техникаси машғулотида иштирок этганди.

Н.Бозоров марказий юклаш майдонига бригада аъзоларини йиғиб, ҳамкасбларига башмоқларни тушириш, автомобилларни вагонларга жойлашда эҳтиёткорликни қўлдан бермаслик ҳақида тушунтириш бериб, огоҳлантирди. Шу пайт ишчилар орасида бўлган ҳайдовчи Руслан Ниёзов бригадирнинг гапини бўлди.

Бригадир талабни такрорлагач, Руслан ишга киришди. Аммо қўлида иш пайтида асқотадиган ҳимоя қўлқопи йўқ эди. Уни цех ичкарисидаги иситиш қурилмасида қуритиш учун қолдирганди. Шунинг учун ташқарида дам олаётган ишчилардан Ҳусанбой Холматовнинг қўлқопини вақтинчаликка сўраб олди-да, ишга киришди. Машинада маҳкамлагичлар анчагина эди. Уларни тушириш учун қўшимча ишчи кучи талаб қилинарди. Дам олаётган ходимлар қатори Ҳусанбой ҳам бригадирнинг илтимоси билан юк туширишга жалб қилинди. Шу боис, Русландан қўлқопини қайтариб олади. Бунгача Руслан ўзига тегишли машинани юклардан бўшатишга улгирган, кузовдан пастга тушишга ҳозирланаётганди. Бунинг учун ёрдам берувчи нарвоннинг иш жойида йўқлиги ҳам йигитни ҳушёр торттирмади. Ҳолбуки, меҳнат муҳофазаси бўйича корхонада амалда бўлган йўриқномага кўра, марказий юклаш майдонидаги иш жараёнида нарвон, кўприк ва бошқа мосламалардан фойдаланиш қатъий талаб қилинади.

Қисқаси, Р.Ниёзов машина бортидан туртиб чиқиб турган металл пластинани ушлаган ҳолда кузовдан пастга сакради ва қаттиқ оғриқдан беихтиёр қичқириб юборди. Ҳамкасблар нима гаплигини билиш учун унинг ёнига шошилганларида, Руслан ерда ғужанак булиб ётар, ўнг қўли қонга беланганди. Ишчилар машина бортидан туртиб чиққан металл пластинада илиниб қолган бармоқни кўргач, фалокатнинг сабаби узук эканлигини пайқадилар. Руслан пастга сакраганда, узук металл парчасига илиниб қолганди. Қўлқопсиз, қолаверса, нарвонсиз ишлаш ана шундай фожеани келтириб чиқарганди.

Руслан зудлик билан корхонанинг тиббиёт бўлимига келтирилди. Бу ерда кўрсатилган биринчи ёрдамдан сўнг, Асака шаҳар «Шошилинч тиббий ёрдам маркази»га юборилди.

## ТАҲЛИЛ АСНОСИ

Юқоридаги воқеа Андижон вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раҳбариятининг эътиборини тортди. Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят раислар кенгаши раиси Баҳромжон Қурбонов, «Ўзметмашсаноат» касаба уюшмаси қўмитаси меҳнат муҳофазаси етакчи мутахассиси Валерий Райхел иштирокида бахтсиз ҳодисани таҳлил қилиш ҳамда корхонадаги цехларда хавф-хатарсиз меҳнат ва маиший шароит яратиш бўйича махсус гуруҳ тузилиб, ишга киришди.

«Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун гуруҳга таянч бўлди. Негаки, унда давлат ва жамоат ташкилотлари ижтимоий шерик сифатида касабачиларга ҳар томонлама кўмаклашишлари белгилаб қўйилган. Бирлашма ҳамда тармоқ раислар кенгаши талаби билан меҳнат низосига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси аралашди. Русланнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ шикастланиши вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси мутахассислари томонидан қайта текширишдан ўтказилди. Шу муносабат билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи В.Ҳакимовнинг тармоқ раислар кенгашига 2005 йил 13 апрелда йўлланган маълумотномаси билан танишайлик: «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишчиси 2005 йил 15 феврал куни Асака шаҳар «Шошилинч тиббий ёрдам» бўлимига ётқизилган. Беморга соғлиқни сақлаш вазирлигини 17.07.1997 йил 344-буйруғи, 1-иловаси, 1.3.6.банди билан оғир бўлмаган ишлаб чиқариш шикастланиши хулосаси берилган. Р.Ниёзов вилоят травматология ва ортепедия шифохонасида мутахассислар томонидан қайта текширувдан ўтказилди. Шифохона бош ҳакимининг бошқармага берган маълумотига асосан, Р.Ниёзов олган шикастланиш, ишлаб чиқариш шикастланишлар оғирлигини аниқлаш схемаси 1.3.4. банди бўйича панжа ва унинг қисмлари эзилиб, титилиши шикастланишига киради. Берилган хулоса бўйича ампутацияга олиб келган шикастланишнинг ижросини назорат қилишда сусткашлик қилаётганлиги, иш берувчига нисбатан талабчанликни бўшлиги маълум бўлди. Айниқса марказий юклаш майдончасидаги меҳнат муҳофазаси тафтишчиларда эътироз уйғотди. Бахтсиз воқеага сабаб бўлган «ЗИЛ-130» русумли давлат рақами 17АД 883 машинасининг хавфсизлик ҳолати ўрганилганда, кузов борти яроқсиз ҳолдалиги, яъни ундаги металл маҳкамлагич қаровсизликдан юқорига туртиб чиққанлиги, айнан ушбу носозлик туфайли Руслан меҳнат қобилиятини йўқотганлиги аниқланди. Гуруҳ таркиб меҳнат муҳофазаси ва ҳаракат хавфсизлиги хизмати бошлиғи Р.Вон шахсий масъулият, ўзаро талабчанликни унутганлиги, Русланнинг жароҳатига сабабчи, деган хулосага келди.

Шунингдек, марказий юклаш майдонида нуфузли гуруҳ томонидан ўтказилган текширишда йўл қўйилган бошқа камчиликлар ҳам юзага чиқди. 2005 йил 6 июл куни расмийлаштирилган далолатномага кўра марказий юклаш майдонида — оғир ишлаб чиқариш шикастланиш ҳисобланиши мумкин...».

Бирлашмада меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, ишловчилар учун соғлом, хатарсиз иш жараёнини яратиш, шу асосда уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш устувор йўналиш касб этяпти. Вилоят тафтиш гуруҳининг корхона ва цехларда иш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш бўйича меҳнат қонунчилиги нормалари ва йўриқномаларнинг бажарилиши, ижросини синчковлик билан мониторинг қилиши боис шундан. Таҳлил асносида касаба уюшма қўмитаси раиси М.Олимов жамоа шартномасидаги меҳнат муҳофазасига оид мажбуриятларни Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом талаблари қўпол равишда бузилган. Хавфсизлик техникаси бўйича ходимларни ўқитиш, уларнинг билимларини синаш шунчаки ташкил қилинган. Машғулотларни қайд қилиш журнали кўздан кечирилганда, ходимлар режадаги 21 соат ўрнига, бор-йўғи 8 соат ўқитилгани маълум бўлди. Устига-устак иштирокчиларнинг рўйхати ҳам кўрсатилмаган. Энг ёмони, корхонада меҳнат муҳофазасини ташкил этишнинг 8 поғонали усули тўла-тўкис жорий этилмаган.

Вилоят касабачиларининг ишчи гуруҳи нафақат корхонадаги меҳнат муҳофазасидаги камчиликларни аниқлаш, балки ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, шу асосда ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг олдини олишда касабақўм ҳамда иш берувчига амалий ёрдам кўрсатди. Ишчилар, мутахассис, раҳбарларнинг меҳнат муҳофазаси ва стандартлар бўйича билимларини ошириш изчил йўлга қўйилди. Иш жойларини қайта аттестациядан ўтказиш, санитар ва техник паспортлаштириш юзасидан дастурлар ишлаб чиқилди. Корхонанинг барча тизимларида аптечкалар ташкил этиш, уларни биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган дори-дармонлар билан тўлдириш жорий этилди.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўлими бошлиғи Р.Воннинг эгаллаб турган лавозимига тўғри келиши масаласини кўриб чиқиш «ЎзДЭУавто» ҳиссадорлик жамияти раҳбариятига топширилди. Ҳаракат хавфсизлиги ходимлари Мадаминжон ва Қосимжон Абдуллаевларга ҳам ишдаги хатолари учун интизомий чоралар кўрилди.

Энг муҳими, Руслан Ниёзовнинг ҳақ-ҳуқуқи қонуний ечим топди. Меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун бир йўла бериладиган нафақа, соғлиғига етказилган зарар туфайли ойлик нафақа тайинлаш ҳал этилди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

## ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА
### бир бошдан қорамол тортиқ қилинди

(Боши 1-бетда)

Ҳудудда кўҳна ўтмишдан қолган ёдгорликлар кўп. Майманоқ, Қамаши сардобалари, Султон Мирҳайдар зиёратгоҳини чет элларда ҳам яхши билишади. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ва тадбиркорлар ҳиммати билан Султон Мирҳайдар мақбараси таъмирланиб, инсон қадами аримайдиган муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди. Мақбара 1582 (ҳижрий 986) йилда Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II даврида бунёд этилган бўлиб, масжид, минора, номозгоҳ, 2 та усти очиқ ва ёпиқ сардоба, хонақо ва ҳужралардан иборат. Мақбарада ўз даврининг етук кишилари бўлган авлиёларнинг қабрлари мавжуд. Улардан асосийси улуғ машойих номини олган аллома Амир Шамсиддин Султон Мирҳайдар қабридир. Бу ерга Франция, Германия, Саудия Арабистони сингари мамлакатлардан ҳам сайёҳлар келиб туришади. Табаррук қадамжони ободонлаштиришга катта эътибор берилаяпти.

Тадбиркор Рўзиқул Ашуров Майманоқ қишлоғига кириб боришда икки қаватли «Тўхта бобо» чойхонасини барпо этиб, элнинг кекса-ёшига дастурхон тузаб, ош тортди. Ўттиздан ортиқ боқувчисини йўқотган оилаларнинг аҳволидан хабар олди.

— «Ёзи ва Зебо» достонини қаҳрамонлари бизнинг қишлоғимизда яшашган, - дейди 103 ёшли Халил бобо Файзуллаев. — Ўғил-қизларимиз, набираларимиз момолардан халқ оғзаки ижоди намуналарини эшитиб, вояга етишаяпти. Майманоқ бодомининг таърифи бутун мамлакатга кетган.

75 минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратган, дон етиштиришда вилоят бўйича юқори кўрсаткичларга эришган касбиликлар бултур 35 миллиард сўм даромад олган бўлсалар, унинг 15 миллиард сўмини соф фойда ташкил этади. У қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланаяпти. Шароф Рашидов, Алишер Навоий, Сайидо Насафий, Ҳамза Хўжақулов номли, «Қашқадарё», «Талишбе», «Ғалаба» хўжаликларининг марказлари қайтадан қурилди. Муғлон қишлоғида Алишер Навоий номли тажриба хўжалиги ишчилари учун 30 та коттеж типидаги турар-жойлар, машина-трактор паркида ишлаётган механизаторлар дам олиш масканини, 100 ўринли болалар оромгоҳи бунёд этилди. Яқинда Оққайиш қишлоғида машҳур полвон Саидмамат Саидов хотирасига бағишлаб ўтказилган кураш мусобақалари ҳақиқий спорт байрамига айланди.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Жамғарма раиси Фазолат Бафоеванинг ҳомийлар билан бамаслаҳат иш олиб борганлиги туфайли ночор ва ёлғизлар, кам таъминланган оилалар эътибордан четда қолмаётир. Қариялар ва ногиронлар йирик корхона ва ташкилотлар, тадбиркор ва фермерларга биркитиб қўйилган. Туман марказидаги 3-миттитуманда истиқомат қилувчи 19 нафар кексанинг турар-жойи ҳомийлар ёрдамида таъмирланди. Йўлдош Воисов, Ғайрат Холлиев, Маҳмуд Элчаев, Қоржов Қувватов сингари саховатпеша инсонлар 30 та кам таъминланган оилани оталиққа олишган.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» шиори остида ўз-ўзини бошқариш органлари ролини оширишга жиддий аҳамият берилаяпти. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари компьютерлаштирилди. Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тикувчилик, гиламдўзлик, дурадгорлик, каштачилик, кулолчилик каби касаначилик фаолиятини кенг йўлга қўйиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Уч юздан ортиқ аёл уй меҳнати билан машғул. Малика Толибхўжаева раҳбарлик қилаётган «Малика» кичик корхонасида тайёрланаётган кийим-кечаклар аҳолига манзур бўлаяпти.

Муғлон, Денов, Пандирон қишлоқларида маҳалла гузарлари қурилди. Бундай масканлар Хўжахайрон ва Қоратепа қишлоқларида ҳам қад кўтаради. Инсон манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик, эл-юрт иши учун камарбасталик олий фазилат. Тиниб-тинчимас ва фидойи аёл Фазолат Бафоеванинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги туфайли қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг нуфузи ортиб бормоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Бекобод туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари кексаларга ҳурмат -эҳтиром, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, шунингдек, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий-моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш борасида талайгина хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Чунончи, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида тадбирлар ишлаб чиқилиб, ёлғиз яшовчи кексалар, пенсионер ва ногиронларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Махсус хизматчи ходимлар эса кўмакка муҳтож кексаларнинг иссиқ-совуғидан доимий равишда хабар олиб туришибди.

**Суратда: бўлим мутахассислари галдаги вазифаларни белгилаб олишмоқда.**

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат**

## Биздан сўраган эдингиз

***Савол: Мен 1943 йилда туғилганман. 1960 йилдан бошлаб ўзим туғилиб ўсган «Иттифоқ» жамоа хўжалигида механизатор бўлиб ишлаб келганман. 1991 йилда иш пайтида кўзимга темир парчаси кириб кетиши натижасида I гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. 2006 йил 1 январдан жамоа хўжалиги тугатилиб, деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этилганлиги сабабли шу пайтга қадар менга тўлаб келинган товон пули тўхтатиб қўйилди. Эндиликда менга ушбу ҳақ қаердан тўланиши керак?***

**Қ.ХЎЖАНОВ,**
**Нарпай тумани**

### Саволингизга Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Ўрол Адилов жавоб беради

**Жавоб:** Меҳнат жароҳати туфайли соғлиғингизга етказилган зарар учун «Иттифоқ» ширкат хўжалигидан олиб келган зарар тўловларидан 2005 йилнинг 11 февралига қадар қарздорлик мавжуд бўлса, бу қарздорлик ва ширкат хўжалиги тугатилган кундан бошлаб тўланиши лозим бўлган зарар тўловлари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 2 ва ушбу қарорнинг 1-иловасидаги «Қоидалар»нинг 43-бандларига асосан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 28 февралдаги 29-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда зарар суммасини тўлаш тартиби»га кўра ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан тўланади.

Бунинг учун Сиз ўзингиз яшаб турган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этишингиз мумкин.

### Саволингизга Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Алибек Чегебоев жавоб беради

***Савол: ҳарбий хизматга чақирилиш ёки кириш муносабати билан фуқароларга бериладиган кафолатлар ҳақида тушунча берсангиз.***

**Х.ТЎРАЕВ,**
**Қамаши тумани**

***Жавоб:*** ҳарбий хизматга чақирилган ёки кирган фуқароларга ишдан бўшатиш нафақаси қонун ҳужжатларига мувофиқ иш жойида тўланади.

Фуқаролар ҳарбий рўйхатдан ўтиш, ҳарбий хизматга чақирилиш ёки кириш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун зарур вақт давомида ишдан (ўқишдан) озод этилади, уларнинг иш (ўқиш) жойидаги ўртача иш ҳақи (стипендияси) сақланиб қолади.

Ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кираётган фуқаролар кириш имтиҳонларини топшириш учун зарур вақт давомида ишдан озод этилади, иш жойидаги лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органлари томонидан диспансер ёки стационар текширувига юборилган фуқароларнинг тиббий муассасада бўлган бутун даври мобайнида иш жойи, эгаллаган лавозими, ўртача иш ҳақи сақланиб қолади ҳамда текширув жойига бориш ва у ердан қайтиб келишга кетган харажатлари иш (ўқиш) жойида қопланади. Стационар даволанишга юборилганда уларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш жойида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган офицерларга олий таълим муассасасидаги ўқиш ҳамда ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги иш стажи ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисобланади.

## *Хат ортида инсон тақдири*

# БЕКОРГА ШИКОЯТ ЁЗИЛМАЙДИ

***Ислоҳотлар ҳамиша одамлар ва уларнинг манфаатига хизмат қилиб келган. Шу аснода қонунлар ҳам жамият тараққий этгани сари янги шакллар билан бойиб такомиллашиб боради. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни шулар жумласидандир. Навоий шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Абдураҳмат Болтаев билан бўлган суҳбатимиз мавзуси ҳам шу ҳақда.***

**— Биламизки, Навоий айрим жиҳатлари билан республикамизнинг бошқа шаҳарларидан тубдан фарқ қилади. Бу ерда йирик саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Одамлар яшаётган, ишлаётган жойда эса ташвиш ва муаммолар туғилиши табиий. Шундай экан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда.**

— Аввало шуни айтиш кераккi, шаҳар прокуратурасида фуқароларни қабул қилиш жадвали тузилган. Улар доимий равишда прокурор, унинг ўринбосарлари, терговчи ва ёрдамчилар томонидан иш вақтининг исталган вақтида қабул қилинадилар. Иш куни бўлмаган вақтларда фуқароларни навбатчи прокуратура ходимлари қабул қилишади.

Ўтган йили шаҳар прокуратурасига 344 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Шундан 147 таси бошқа идораларга тегишли бўлганлиги учун кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун жойларга юборилган. 180 таси прокуратуранинг тезкор ходимлари томонидан текширилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жавоб хатлари юборилган. Агар ушбу ариза ва шикоятларни қонунчилик соҳаси бўйича таҳлил қилсак, улардан 64 таси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, 5 таси солиқ соҳасидаги қонунбузилишлар бўйича экани маълум бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда шаҳар прокуратурасига мурожаат қилганлар ноумид қайтмайди. Чунки ҳар бир хат ортида инсон ва унинг тақдири ётганини ҳис қилиб иш тутаяпмиз.

Навоий маданият ва санъат коллежида фуқаро А. Самиев ва бошқаларнинг аризалари бўйича ўтказилган текширишда коллеж ётоқхонасида талабаларнинг яшаш шароити етарли даражада эмаслиги аниқланди. Шунингдек, бу ерда баъзан ахлоқ-одоб қоидаларидан четга чиқиш ҳолатлари ҳам кузатилди. Жумладан, коллеж ўқитувчиси Сирож Усмонов шу йилнинг 16 февралида коллеж ошхонасига кираверишда талаба Фарҳод Собировни бир кун олдин дарсга келмаганлиги учун уриб, енгил тан жароҳати етказган. Ушбу ҳолат юзасидан суд тиббиёт экспертизаси ўтказилди ва иш маъмурий тартибда кўриб чиқиш учун Навоий шаҳар судига юборилди. Ётоқхонадаги талабалар яшаш шарт-шароити, санитария тозалик қоидаларига риоя қилишдаги бузилишлар юзасидан Навоий маданият ва санъат коллежи директори номига тақдимномз киритилди.

**— Юртбошимизнинг «Халқ хўжалигида ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?**

— 2005 йилда тўлов интизомига оид қонунчилик ва Президент Фармонлари ижроси юзасидан бир қатор корхона ва ташкилотларда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Шу асосда 9 корхона ва ташкилотга тақдимнома киритилди. 22 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 2 та жиноий иш қўзғатилди. 20 нафари огоҳлантирилди. Кармана туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига иш ҳақларини ундириш бўйича 91 та ариза киритилиб, шу пайтгача 19 нафар фуқаронинг бир неча ойдан бери тўланмасдан келинган иш ҳақлари ундириб берилди. Айниқса, «Навоийзот» ОАЖда иш ҳақидан узилишлар тез-тез содир бўлмоқда. Масалан, корхонанинг 44 нафар ходимига тўланмаган иш ҳақлари ҳақидаги ариза суд томонидан қаноатлантирилди. Жамиятнинг молиялаштириш бўлими бошлиғи С.Федерикога нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди. Худди шу каби жазо чоралари «Навоийқурилиштрести» МЧЖ, «Навоийнонзаводи» МЧЖ, «Навоийдеҳқонқурилиш», «Электрокимё» заводи раҳбар ва ҳисобчиларига нисбатан ҳам қўлланилди.

Баъзан ўзига топширилган вазифани суиистеъмол қилиб, ундан текин даромад топиш мақсадида фойдаланмоқчи бўлаётганлар ҳам учрайди. Мисол учун, Навоий шаҳар ХТБга қарашли 4-ўрта мактаб бош ҳисобчиси Людмила Рикалина ва хазиначи Салима Усмоновалар ўқитувчиларнинг ойлик маош тўлов варақаларидаги иш ҳақлари миқдорини ўчириб, қўшиб ёзишиб, 873 минг сўм маблағни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилишганлиги тўғрисидаги факт очилиб қолди. Суд ҳукми билан улар жазога тортилдилар.

**— Прокуратура бугунги кунда фақат назорат органи сифатида эмас, балки ўз фаолияти билан жамият муаммоларини ҳал этишда яқин кўмакчи сифатида ҳам кўзга ташланмоқда.**

— Фикрингизни тушундим. Шаҳарнинг ижтимоий аҳволидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли ўртасида ишсизликнинг ўсишини олдини олиш борасида шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилиб, уларнинг мунтазам равишда фаолият кўрсатишига ҳуқуқий амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 4 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, 2398 нафар ишсиз доимий иш билан таъминланди. Бу ўринда яна бир гап. Навоий шаҳрининг Халқлар дўстлиги кўчаси 138-а уй, 3-хонадонида яшовчи вояга етмаган фуқаро С.Норқулова ўз аризасида ишга жойлашиш учун квота йўлланмаси бўлишига қарамасдан, «Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти асоссиз равишда ишга қабул қилмаётганидан шикоят қилган. Текширишда ҳақиқатдан ҳам шаҳар ҳокимлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг ўтган йилнинг 13 апрелдаги 27-сонли йўлланмаси билан юқоридаги жамиятга квоталанган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун юборилган. Лекин у ишга қабул қилинмай, сарсон-саргардон қилинган. Прокуратура аралашуви билан С. Норқулова «Навоийдонмахсулотлари» АЖ га қарашли «Екмамол» кичик корхонасига ишга жойлаштирилди. Жамиятнинг ходимлар бўлими бошлиғи Х.Ҳасановага нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

**Суҳбатдош:**
**Соҳибахон АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## *Долзарб мавзу*

# МУАММО ЕЧИМИ
## ўз қўлимизда

***Жойларда соғлом ва хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратиш, ходимларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш юзасидан Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари қатор ташкилий чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бунда касаба уюшмалари қанчалик қудратли бўлса, иш ўринлари ҳам шунча хавф-хатарсиз бўлади, деган ақидага таянилаяпти.***

«Жиззахавтойўл» йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилотида ходимларга яратилган шарт-шароит, меҳнат муҳофазаси юзасидан улар ҳуқуқларини ҳимоялаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларнинг олдини олиш борасидаги қилинаётган ишлар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсат йиғилишида кўрилар экан, бу борада анчагина ютуқлар мавжудлиги таъкидланди. Унга қарашли 12 та йўл хўжалиги ва фойдаланиш пудрат корхонаси бўлиб, уларда 1200 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилади.

Бирлашмада ўтган йили белгиланган ишлаб чиқариш режалари тўлиқ бажарилди. 252,4 километр масофадаги йўл таъмирланди. 626 та янги йўл белгилари ўрнатилиб, 956 таси алмаштирилди. 167 километр йўл қатнов қисми белгиланиб, 41 та автобус бекатлари қайта қурилди ёки таъмирланди. 18,7 километр масофадаги пиёдалар йўлаклари қурилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатдорлиги бир қадар яхшиланди. Агар ўтган йил бошида ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик маоши 60 минг 12 сўм бўлган бўлса, йил охирига келиб бу кўрсаткич 75 минг 423 сўмни ташкил этди.

Шунга қарамасдан жамоада ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Ходимларни зарур даражада махсус кийим-бош билан таъминлаш, керакли меҳнат қуроллари, кир ювиш воситалари бериш, йилнинг қиш ва ёз мавсумида иш жойларида қисқа муддатли дам олиш жойини ташкил этиш, иш вақти тугагач, ходимларнинг ювиниши учун шароит яратиш каби ишларни ташкил этишдаги оқсоқликлар шулар жумласидандир. Зарбдор, Зафаробод, Дўстлик, Пахтакор туманлари ҳамда «Бўстон» йўл хўжалик таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат корхоналарида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси борасида жиддий нуқсонлар мавжуд. Масалан, «Бўстон» автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармасида иш шароитлари бугунги кун талаби даражасида эмас. Ишчиларнинг таъкидлашича, 2004 йилнинг октябридан буён махсус кийим-бош олишмаган. Ювиниш, ечиниб-кийиниш, дам олиш хоналари йўқ.

Зарбдор туман йўл хўжалиги ишчилари бир неча чақирим пиёда йўл босиб ишга боришга мажбур бўлишаяпти. Техника хавфсизлиги йўриқномалари йўқ, ходимларнинг тиббий кўрикдан вақтида ўтишлари назорат қилинмаяпти.

Дўстлик туман йўл хўжалиги идораси ҳудуди ҳалигача тўла тартибга келтирилмаган. Машина-механизмларга мой қуйиш шахобчаси ёнғин ва техника хавфсизлиги талабларига жавоб бермайди. 14 банддан иборат техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича қабул қилинган дастур шунчаки расмиятчилик учун тузилган бўлиб, у қоғозда қолиб кетмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, вилоят йўл хўжалиги бошқармаси тизимида техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилишдек муҳим жабҳада қатор муаммолар мавжуд. Бу муҳим масала вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгашининг раёсат йиғилишида атрофлича муҳокама этилди. Масъул шахсларга бурч ва вазифалари яна бир бор эслатилиб, улар олдига муҳим ўзгаришлар ясаш юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# НАФАҚА ТАЙИНЛАНДИ

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёлғиз қариялар, ногиронлар, ота-онасидан маҳрум болаларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сирдарё вилояти Мирзаобод туман ижтимоий таъминот бўлими беш ярим мингдан зиёд пенсионер ва ижтимоий нафақахўрларга хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг шу даврига қадар саксон нафар фуқарога пенсия ёшига етгани, ногиронлик ва боқувчисини йўқотгани муносабати билан нафақа тайинланди. Шунингдек, уруш қатнашчилари, жисмонан имконияти чекланган шахсларга бепул дори-дармон ҳамда санаторийга йўлланма берилмоқда. Ногиронларни махсус аравачалар, қўлтиқтаёқ, протез-ортопедик маҳсулотлар, эшитиш аппаратлари билан таъминлаш ҳам мутасаддиларнинг доимий диққат-марказида турибди.

Ижтимоий таъминот бўлимининг ходимлари алоҳида рўйхатга олинган 24 нафар пенсионерга тўққиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини вақтида ва узлуксиз етказиб бермоқда.


ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

- *Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.*
- *Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.*
- *Автомобилларга божхона солиғи тўланган.*
- *Уларнинг сифати тўла кафолатланади.*

*Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.*

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 1997 йил 15 июл 15-14-1-1263, 1998 йил 19 феврал 15-14-1-1263/2, ҳамда 2000 йил 26 июн Р-0196-3 рақамлари билан рўйхатга олинган Ўзприватбанк акцияларининг чиқарилувлари йўқолганлиги сабабли ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

**Маълумот учун телефон 139-10-18, 120-63-08.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 51.**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2006 йил 14 апрелдан қуйидаги объектлар қўйилганлигини маълум қиламиз.

1.Бухоро вилоятида жойлашган «Автогаз» АКга қарашли «Автомобилларга газ қуйиш шоҳобчаси» **Бошланғич баҳоси — 22939.6 минг сўм.**

2.Сирдарё вилоятида жойлашган вилоят Халқ таълими бошқармасига қарашли «Техника воситалари бино ва иншоотлари» **Бошланғич баҳоси — 2363.0 минг сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Имкониятингизни бой берманг.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Телефонлар: 399 80 26, 136 15 28. Факс: 136 26 26 www.rkmb.uz**

***Эслатма:*** *РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб, нархлар эркин шаклланади.*

## Буюк аждодларимиз

***Ҳассос шеърлари билан адабиёт мухлислари қалбига ўт солган шоира Зебуннисо бобурийлар хонадонининг кўзга кўринган намоёндаларидан ҳисобланади. Унинг отаси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламгир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг панневараси бўлиб, онаси Дилрасбону Бобурнинг қизи Гулбаданбегимга бориб туташади. Маълум бўладики, Зебуннисо ҳам ота, ҳам она томондан бобурийзодадир.***

# «КИМКИ КЎРМОҚ ИСТАСА, КЎРСИН СУХАН ИЧРА МАНИ...»

Зебуннисо бобурий ижодкорлар орасида ўзининг ёрқин истеъдоди билан алоҳида ажралиб туради. У ўз даврининг етук ғазалнависларидан бўлган. Мазмунан теран, шаклан баркамол, оҳорли ва содда ташбеҳу тимсолларга бой равон услубда ёзилган жозибадор ғазаллари Шарқ мумтоз сўз санъатида ўзига хос мавқе ва мақомга эга. Унинг самимий туйғу-кечинмалари табиий ифодасини топган халқчил услубдаги ижод намуналари, мана, неча асрдирки, нафақат форсий, балки туркий шеър мухлисларини ҳам бирдай ҳайрату ҳаяжонга солиб келади. Унинг кўплаб ғазалларига куй басталаниб, улар халқимизнинг севимли қўшиқларига айланган. Хусусан, «Самарқанд ушшоғи» номи билан машҳур «Бий, ки зулфи кажу чашми сурмасо инжост» мисраси билан бошланадиган ғазали кунора радио ва ойнаи жаҳон орқали таралиб туради.

Зебуннисо 1639 йили туғилган. Қизидаги илму маърифатга иштиёқни кўрган Ҳиндистон ҳукмдори Аврангзеб унинг тарбияси билан жиддий шуғулланади. Қувваи ҳофизаси кучли бўлган Зебуннисо 10 ёшларида Қуръонни ёд билар эди. Саройнинг бошқа донишманду адиблари ҳам унинг тарбиясига алоҳида эътиборда бўладилар. У, айниқса, насталиқ, насх ва шикаста хатларини ёзишда моҳир бўлган, Қуръонни етти марта кўчирган экан. Шунингдек, у танбурни маҳорат билан чертар эди.

Зебуннисо «Иродати фаҳм» номли шеърлар баёзи ва «Зеб ун-нишот» деган мактублар тўплами тартиб берган. «Зеб ун-нишот» ҳалигача топилган эмас. Шоиранинг ўз ижоди намуналари ва севган шоирлари шеърларидан тузилган «Иродати фаҳм» баёзини эса канизакларидан бири тўфон вақтида ҳовузга тушириб қўйган. Шунинг учун Зебуннисонинг ижодий мероси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Зебуннисо илму ижод аҳлининг ҳомийси сифатида шуҳрат қозонган. Мамлакатдаги барча адабиёт, маданият ва санъат аҳли унинг ҳимоясида бўлиб, шахсан ундан маош олганлар. Шунинг учун ҳам «Олами ислом» тазкирасида: «Отаси Аврангзеб ҳукмдорлик билан қозона олмаган шуҳратни Зебуннисо бегим илму адаб билан қўлга киритди», — деб улуғланади. «Иди байзо» тазкирасининг муаллифи Ғуломалихон Озод ҳам мамлакатдаги фазлу камол аҳли унинг марҳаматидан баҳраманд, олим, шоир ва ҳаттотлар Зебуннисонинг ҳомийлиги туфайли хотиржам илму ижод билан шуғулланганлиги ҳақида хабар беради. Шунингдек, манбаларда Зебуннисо бегимнинг Мирзо Бедилнинг қизига мураббийлик қилгани айтилади. Шу тариқа у ўз замонида илму фан, маданият ва санъатнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Зебуннисо нозиктабъ шоира, нуктадон олима, комил ахлоқ соҳибаси бўлибгина қолмай, ҳусну жамолда ҳам тенгсиз эди. Шунга қарамай, қандайдир сабабларга кўра унга оила қуриш насиб этмаган. Бу ҳодиса манбаларда турли-туман талқин қилинади. Шоиранинг ўзи бу ҳақда ўкинч билан шундай ёзади:

***Ҳар гулеро як харидорест дар бозори умр,***
***Пир шуд Зебуннисо, ўро харидоре нашуд.***

Таржимаси:

***Умр бозорида ҳар гулнинг харидори бўлар,***
***Қариди Зебуннисо, унга харидор бўлмади.***

«Шеърият, мусиқа, ижод — Зебуннисога ҳар қандай ёр васлидан тотлироқ бўлиб кўринган, — деб ёзади шоира ижодининг тадқиқотчиси Тўхтасин Жалолов. — Гўзаллик, санъат, илм — унинг идеали эди. У ўзининг бутун ҳаётини нафис санъатга, илмга бағишлайди. Зебуннисонинг энг севган машғулоти: шеър ўқиш, шеър ёзиш, мусиқа тинглаш ва китоб мутолаа қилишдан иборат бўлган. Унинг: «Нега жуфтликни хоҳламайсиз?» — деган кишиларга қарата: «Менинг эрим ҳам китоб, бахтим ҳам китоб, ҳатто жаннатим ҳам китоб!» — деб берган жавоби бу фикримизни тўла тасдиқлайди».

Зебуннисо шеърларини ўқиб, унинг оташнафас шоира бўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу шеърларни осойишта, хотиржам ўқиб бўлмайди: саҳифадан-саҳифага ўтган сари қалбингизнинг ҳарорати ҳам ортиб бораверади. Бир қарашда муҳаббат пайдо бўлганидек, бир ўқишда севиб қоладиган шоирларингиз ҳам бўлади. Зебуннисо шеър ихлосмандларининг қалбига ғавғо соладиган, ақлу ҳушини ўғирлайдиган ана шундай ҳассос ва дилўртар шоирлар жумласига киради.

Бу ижод уммонидан бир қатра сув ичган шеър ошиғи бир умр унинг мафтуни бўлиб қолади:

***Булбул аз шогирдиам шуд ҳамнишини гул ба боғ,***
***Дар муҳаббат комилам, парвона ҳам шогирди мост.***

Таржимаси:

***Гулга ҳамроз бўлди булбул, чунки шогирдим эди,***
***Ишқда комилман ўзим, парвона ҳам шогирд менга.***

«Ўзининг даҳолигини англамаган даҳонинг даҳолиги даргумон», — деган эди таниқли поляк мутафаккири Станислав Ежи Лец. Дарҳақиқат, буюкларни атрофдагилар тушунмаслиги, қадрламаслиги мумкин, лекин улар ҳамиша ўз имкониятлари ва даражаларини яхши билганлар. Кўплаб машҳур сўз усталарининг ўз мавқе-мақоми, асарларининг даражаси ва шуҳрати ҳақида фахрланиб битган байту мисралари бунинг яққол исботидир. Зебуннисо ҳам ўзининг шеъриятдаги ўрнини яхши англаган, ўз гўзаллиги даражасини ҳам билган ва қуйидаги фахрия-қитъасини ёзган:

***Булбул аз гул бигзарад, гар дар чаман бинад маро,***
***Бутпарасти кай кунад, гар барҳаман бинад маро.***
***Дар сухан пинҳон шудам чун бўй гул дар барги гул,***
***Ҳар ки дидан майл дорад дар сухан бинад маро.***

Таржимаси:

***Андалиб гулдан кечар, кўрса чаман ичра мени,***
***Бутпараст бутдан кечар, кўрса бу шаън ичра мени.***
***Гул ҳиди баргида пинҳон, мен-да сўз ичра ниҳон,***
***Кимки кўрмоқ истаса, кўрсин сухан ичра мени!***

Мутаассиб Аврангзеб қизининг шеър ёзиши ва шу орқали шуҳрат қозониб, номи номаҳрамлар тилига тушишини хоҳламаган. Зебуннисонинг ўзи бу ҳақда киноя билан шундай ёзади:

***Эй булбули хушилҳон, махрўшу дам фурў каш,***
***Табъи «латиф»и султон тоби сухан надорад.***

Мазмуни: «Эй хушнағма булбул, наво чекишни бас қилу хомуш бўл, султоннинг қўштирноқ ичидаги «латиф» табъининг бадиий сўзга тоби йўқ».

Зебуннисо бегим 1702 йили 63 ёшида вафот этади. У Деҳлидаги «Зарзари» қабристонига дафн этилган. Шоиранинг қабр тошига унинг ғоят камтарлик билан айтган қуйидаги байти ёзилган:

***Ба ғайри сабза напўшад касе мазори маро,***
***Ки қабрпўши ғарибон ҳамин гиёҳ бас аст.***

Мазмуни: «Сабзадан ўзга нарса менинг қабримни ёпмайди, зеро, ғариблар мозорини ёпиш учун шу гиёҳнинг ўзи этарлидир».

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

***Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг спорт мажмуида теннис бўйича Дэвис кубогининг Осиё-Тинч Океания минтақаси саралаш ўйинларининг навбатдаги - иккинчи босқич беллашувлари якунланди. Унда Ўзбекистон ва Хитой терма жамоалари ўзаро куч синашди.***

*Мусобақанинг биринчи кунги яккалик беллашувларида юртимизнинг биринчи рақамли ракеткачиси, Осиё чемпиони Денис Истомин рақиби Пенг Сун устидан 6:4, 6:2, 3:6, 6:3 ҳисобида зафар қучган бўлса, яна бир тажрибали теннисчимиз Фарруҳ Дўстов Хитой вакили Ю Вангни 6:4, 6:0, 6:1 ҳисобида ортда қолдирган эди.*

*Кескин ва қизиқарли курашларга бой бўлган жуфтлик баҳслари ҳам мамлакатимиз спортчиларига омад келтирди. Унда терма жамоамиз аъзолари Денис Истомин ва Фарруҳ Дўстов хитойлик Ю Хин-Юан ва Зенг Шао-Хуан жуфтлигини 7:6, 7:5, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратди.*

*Шундай қилиб, умумжамоа ҳисобида миллий терма жамоамиз вакиллари муддатдан олдин хитойлик спортчилар устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, Дэвис кубоги мусобақаларида ўз мавқеини сақлаб қолди.*

**(ЎзА)**

## Тадбир

***Ўз атрофига 6548 нафар касабакўм аъзосини бирлаштирган тармоқда педагог-ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилаётган турли спорт тадбирларининг ўрни катта. 35 та бошланғич ҳамда 72 та цех касаба уюшмаларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Қурултойи қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, касаба уюшмалари қонунлари, Меҳнат Кодекси ҳамда Ҳаракат Дастури талабларига амал қилган ҳолда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширмоқда.***

# ПЕДАГОГЛАР БЕЛЛАШУВИГА ГАП ЙЎҚ аммо эътирозлар ҳам йўқ эмас...

Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис туманимиздаги 84 та мактаб ҳамда 18 та мактабгача тарбия муассасаларида турли спорт мусобақалари ўтказиш анъана тусини олган.

Куни кеча тармоқ ходимлари ўртасида ўтказилган VII спартакиадада спортнинг мини футбол, шоҳмот, шашка, стол тенниси, армрестлинг, стритбол турлари бўйича 400 нафардан ортиқ педагог-ходимлар ўзаро куч синашдилар.

Мусобақа дастуридан ўрин олган мини футбол, айниқса, қизғин баҳсларга сабаб бўлди. 19-мактаб жамоаси ажойиб ўйин намойиш этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Меҳрибонлик уйи жамоаси иккинчи, 7- ва 17-мактаб жамоалари эса учинчи ўринни эгалладилар.

Ўтказилган шоҳмот мусобақаларида 2-ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Достон Бухоров ҳамда 63-мактаб ўқитувчиси Малика Жўраева энг кўп очко жамғариб, шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олишди.

Стол тенниси мусобақаларида иштирок этган 17-мактаб ўқитувчиси Бобоназар Бозоров ва 61-мактаб ўқитувчиси Муқаддам Бердиевалар фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқитувчиларимиз спортнинг армрестлинг, шашка, стритбол турлари бўйича ҳам анча маҳоратли эканликларини намойиш этдилар.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўтказилган аёллар спартакиадасида ҳам педагог-ходимларимизнинг фаол иштироки таъминланди. Ушбу спартакиадада иштирок этган 165 нафар хотин-қиз педагог ўзларининг эпчил ва чаққонликларини намойиш этдилар. Бунда 61-мактаб жамоаси биринчи, 1-мактаб жамоаси иккинчи, 63-мактаб жамоаси эса учинчи ўринни эгаллашди.

Бироқ, ташкил этилаётган турли спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказилишига айрим таълим муассасаси раҳбарлари, жойлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари масалага жиддий аҳамият бермаяптилар. Шу боис, мусобақаларнинг юқори савияда ўтказилишига имкон туғилмаяпти. Кўп ҳолларда мутасаддилар ўқитувчи ва ўқувчиларни тадбирга тайёрлашда камчиликларга йўл қўйилаяпти. Иштирокчиларни оммавий равишда мусобақа ўтказилаётган манзилга етказиш, уларни спорт кийимлари ҳамда анжомлари билан таъминлашга етарлича аҳамият бермаётган мактаб раҳбарлари фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин? Бу сингари сусткашлик билан мурosa қилиб бўладими?

**Юнус ЭШБЎРИЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси**
**Қамаши туман кенгаши раиси**

## Мамлакат чемпионати

# ОЧКОСИЗ ЖАМОА ҚОЛМАДИ

***Мухлислар муросасиз баҳсларни хуш кўришади. Бир жамоанинг иккинчисидан яққол устунлиги, ўйин ҳар қанча голларга бой бўлмасин, охир-оқибат қизиқишнинг сўниши билан якун топади.***

Бу фикрни эслаб қолганимизнинг боиси бор, албатта. Тўрт турки, чемпионатнинг дебютанти «Хоразм» очко нималигини билмай келаётганди. Ниҳоят, очколар устунида «ҳисоб очилди». Урганчликлар «Металлург» жамоаси билан кечган учрашувда ўз мухлислари кўнглини сал бўлса-да, равшан қилдилар. Таркиб жиҳатидан анчайин кучли бўлган меҳмонлар билан тенгма-тенг баҳсга киришиб, ҳатто айрим ҳолларда ташаббусга эришиб, мазмунли ўйин намойиш этишга астойдил интилдилар. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ 1:1 ҳисобида дурангга имзо чекдилар.

Яна бир жамоа — «Андижон» футболчилари ҳам бешинчи турда мўъжиза кўрсатдилар. «Локомотив» билан кечган учрашув бундан буён мухлислар ўз севимлиларига бошқача назар билан қарашига ундаса ажаб эмас. Таҳририятимизга Андижондан қўнғироқ қилиб ўзини Акмалжон, деб таништирган шинавандаларнинг қувонч сўзларини эшитинг: ўйнаса бўларкан-ку!

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, андижонлик футболчилар мавсумдаги энг яхши ўйинларини намойиш этдилар. «Локомотив» дарвозасига киритилган жавобсиз беш тўп улоқ кимда кетганлигини яққол тасдиқлаб турибди. Навбатдаги турда «Андижон» жамоаси Жиззахда «Сўғдиёна» меҳмони бўлади. Ушбу матч кўп нарсага ойдинлик киритади. Чунки, мухлислар яхши билишади, «Сўғдиёна»нинг турнир жадвалидаги аҳволи ҳам хавас қиларли эмас. Бу демакки, баҳс муросасиз кечади. «Андижон» жамоаси мазкур имтиҳондан қандай ўтиши унинг кейинги мавқеини белгилаб бериши мумкин.

Ушбу тур яна бир жиҳатга кўра эътиборни тортмоқда. Ўтказилган 8 та ўйиннинг тенг ярмида йирик ҳисоб қайд этилди. Ва яна қизиқ жиҳати ютқазган томон ўзини «ранжитган» рақиб дарвозасини бирон марта ишғол қилолмади. Бунақаси камдан-кам учрайдиган ҳолат. Мана ўша ҳисоблар: «Пахтакор»-«Тўполанг» — 4:0, «Машъал»-«Навбаҳор» — 3:0, «Андижон»-«Локомотив» — 5:0, «Бухоро»-«Самарқанд-Д» — 4:0.

Яна бир учрашувда мухлислар бешта гол гувоҳига айланишди. «Қизилқум» ўз майдонида Юрий Саркисян шогирдлари билан бўлган баҳсда 2:3 ҳисобида мағлубиятга учраб, муҳим очколардан маҳрум бўлди. «Насаф» жамоаси «Трактор»ни 2:0 ҳисобида енгган бўлса, «Сўғдиёна»-«Шўртан» учрашувида ҳисоб очилмади. Дарвоқе, жиззахлик футболчилар мавсум бошидан буён рақиб дарвозасини ишғол қилолмаган ягона команда бўлиб қолмоқдалар.

Навбатдаги тур 15 апрелда ўтказилади.

### Турнир жадвали

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.«Пахтакор» | 5 | 5 | 0 | 0 | 14-0 | 15 |
| 2.«Машъал» | 5 | 4 | 1 | 0 | 11-2 | 13 |
| 3.«Нефтчи» | 5 | 3 | 1 | 1 | 9-6 | 10 |
| 4.«Насаф» | 5 | 3 | 1 | 1 | 7-5 | 10 |
| 5.«Трактор» | 5 | 3 | 0 | 2 | 6-8 | 9 |
| 6.«Тўполанг» | 5 | 2 | 2 | 1 | 6-6 | 8 |
| 7.«Навбаҳор» | 5 | 2 | 1 | 2 | 7-6 | 7 |
| 8.«Локомотив» | 5 | 2 | 1 | 2 | 5-9 | 7 |
| 9.«Бухоро» | 5 | 2 | 0 | 3 | 7-6 | 6 |
| 10.«Самарқанд-Д» | 5 | 2 | 0 | 3 | 3-9 | 6 |
| 11.«Металлург» | 5 | 1 | 2 | 2 | 7-6 | 5 |
| 12.«Қизилқум» | 5 | 1 | 2 | 2 | 7-9 | 5 |
| 13.«Андижон» | 5 | 1 | 1 | 3 | 7-6 | 4 |
| 14.«Шўртан» | 5 | 1 | 1 | 3 | 2-6 | 4 |
| 15.«Сўғдиёна» | 5 | 0 | 2 | 3 | 0-5 | 2 |
| 16.«Хоразм» | 5 | 0 | 1 | 4 | 2-12 | 1 |

## Эртани ўйлаб

# БОҒЧАДА КОМПЬЮТЕР СИНФИ



Яқинда Сергели туманидаги 109-мактабгача таълим муассасасида таълим бериш технологияси мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги барча ҳалқ таълими бўлимидан тарбиячи, мураббий ва ота-оналар иштирок этишди. Улар кўргазмаларга бой тадбирда янги ўқув-тарбия, мактабга тайёрлаш услуби билан тажриба алмашиб, танишдилар.

Туманда ўтган йили таъмирталаб боғчаларнинг томи, иситиш тизими таъмирланди. Улар спорт жиҳозлари, мебел, ошхона анжомлари билан таъминланди. 318- мактабгача таълим муассасаси ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда 192 та ўқувчи бола, 49 нафар болалар тарбияланади. Хоналарнинг санитария гигиена ҳолати талаб даражасида. Бу ерда ҳар бир боланинг овқатланишига, соғлиғига алоҳида этибор қаратилади. Муассасада компьютерлар билан жиҳозланган синфлар мавжуд. Бу ерда 4 ёшдан 8 ёшгача бўлган болалар компьютер сирларидан воқиф бўлишади.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Донолар бисотидан

Луқмони Ҳаким табобат ва илми ҳикмат бобида беназир зот эди. У ҳақда турли ривоятлар оғиздан-оғизга ўтиб келаётир. Ана шундай ривоятлардан бирида айтилишича, Луқмони Ҳаким ўлими олдидан ўғлини чақириб шундай васият қилди:

— Ўғлим, уч нарсани ҳеч қачон ёдингдан чиқарма: хотининггга сиринги айтма, янги бойиган одамдан қарз олма, подшоҳга яқин кишилар билан дўстлашма. Улуғ ҳаким ана шу гапларни айтиб, бу ёруғ дунёни тарк этди. Ўғли падари бузрукворининг тупроққа топшириб қайтгач, унинг васиятларида яшириган ҳикматни синаб кўрмоқчи бўлди. Шу куниёқ бозордан битта қўй сотиб олди, уни сўйиб қопга жойлади-да, уйига келтирди.

# БИР ҲОВУЧ ҒАВҲАР

Табиийки, хотини қопда нима борлиги билан қизиқди:

— Жим, — деди эри бармоғини лабига босиб, — бугун ёмон иш қилиб қўйдим. Кўчада бир киши билан уришиб қолдим. Бир урган эдим, ўлди-қолди. Ўлигини ҳеч кимга кўрсатмай, гумдон қилишим керак. Бўлмаса мениям қатл этишади.

— Вой шўрим, — деди қўрқиб кетган хотини. — Энди нима қилмоқчисиз?

— Нима қилардим, боғимизнинг бир чеккасига кўмиб қўяман. Фақат буни сену мен биламиз. Бировга айта кўрма, тағин...

— Вой, ўлибманми, айтиб, — деди хотини.

Луқмоннинг ўғли «ўлик»ни бир чеккага кўмиб ҳеч нарса бўлмагандек юраверди. Кўп ўтмай, отасининг насиҳатига хилоф тарзда подшоҳнинг надимларидан бири билан танишиб, дўстлашиб олди. Бу орада яқиндагина қўлига катта бойлик кирган бир савдогардан анчагина қарз кўтарди.

Кунларнинг бирида Луқмоннинг ўғли хотини билан айтишиб қолди. Жаҳли чиқиб, хотинини бир тарсаки уриган ҳам эдики, у дунёни бошига кўтариб дод сола бошлади:

— Вой-дод, мусулмонлар, до-од-эй! Бу золимнинг дастидан дод! Ўтган куни бир бандаи мўминни ўлдириб, ўлигини боққа кўмувди-я, жувонмарг бўлгур. Энди мениям ўлдирмоқчи бу одамкуш!

Табиийки, унинг фарёдини етти маҳалла эшитди. Ҳакимнинг ўғли қилган қотиллик ҳақидаги гап-сўзлар тўғри подшоҳнинг қулоғига бориб етди.

— Менинг ҳукмронлигим пайтида ким бировнинг ноҳақ қонини тўкибди экан? Ўша жаллодни ким тутиб келтиради?

Луқмоннинг ўғли билан дўст тутинган надим подшоҳга таъзим қилди:

— Шоҳим, ул гўстоҳнинг уйини биламан. Навкар қўшиб беринг, оёғини ерга теккизмай, олдингизга олиб келганим бўлсин.

Ҳалиги надим икки сарбоз билан дўстининг уйига бостириб борди ва уни кишанлаб, шоҳнинг ҳузурига олиб кета бошлади. Ҳакимзоданинг подшоҳ ҳузурига олиб кетилаётгани ҳақидаги хабар ҳам чор-атрофга ёйилди. Унга қарз берган янги савдогар бу гапни эшитиши билан навкарлар ортидан югурди.

— Тўхта, — деди у тутқуннинг ёқасидан оларкан. — Менинг пулимни бермасдан ўлиб кетмоқчимисан? Қани, аввал қарзингни тўла. Бу давлатни озмунча қийинчилик билан топдимми? Подшоҳ сени ўлимга буюрса, мен пулимга куйиб қолишим мумкин.

Шундагина Луқмоннинг ўғли отаси қилган васиятларнинг ҳикматини тўлиқ англаб етди. Уни подшоҳнинг олдига элтганларида ҳукмдор уни таниб, таажжубга тушди:

— Ё раббий, ахир сен фалон ҳакимнинг ўғли эмасмисан? Отанг қандай донишманд одам эди. Сен наҳотки шундай бемаъни ишга қўл урган бўлсанг?

Луқмоннинг ўғли таъзим қилиб, бу ишларнинг ҳаммасига ота насиҳатини синовдан ўтказиш мақсадида қилганини айтди. Ҳукмдор унинг гапидан янада ҳайратланиб, айтилган жойни кавлаб кўришни буюрди. Қопда қўйнинг танаси кўмилгани ўз исботини топгач, ҳакимзодани озодликка чиқариб юборди.

* * *

Таъмагирдан сўрадилар:

— Энг яхши ниятинг нима?

— Агар жавоб берсам, эвазига менга нима бўлади?

* * *

Донодан сўрадилар:

— Ҳаётингни қандай ўтказдинг?

— Таълим олиш, одоб ўрганиш, ҳикмат йиғиш билан...

* * *

Нодондан сўрадилар:

— Умринг давомида нима иш билан шуғулландинг?

— Ҳеч ким изламаган ва тополмаган (фойдасиз) нарсаларни ахтариш билан...

* * *

Бош чўпондан сўрашди:

— Ушалмаган орзуингизни айтсангиз?

— Қанийди, қўйларимнинг барчаси эгиз туғса ва ҳеч ҳам уларга бўри тегмаса!...

* * *

Тўтидан сўрадилар:

— Нима кулгингни қистайди?

— Кишилар бир-бирларининг гапини тўтидек қайтаришлари...

* * *

Аҳмоқдан сўрадилар:

— Нима истайсан, тила тилагингни?

У жавоб берди:

— Барча одамлар аҳмоқ бўлиб қолишсин..

* * *

Эшакдан сўрадилар:

— Нима билан ҳеч қачон келиша олмайсан?

— Барча нодонларни менга ўхшатишганларига чидай олмайман...

* * *

Итдан сўрадилар:

— Инсонларга қандай истагинг бор?

— Қани эди, одамлар ҳам бизлардек меҳрибон ва содиқ бўлсалар...

* * *

Итнинг орзуси:

Қанийди хўжайиннинг қассоблардан дўстлари кўпайса...

* * *

Эшикнинг ҳасрати:

— Уф, нуқул очилиб-ёпилавериш жонга тегди...

* * *

Маймуннинг ҳасрати:

— Тавба, ким ўйлаб топган, ўша ойна деган ўлгурни. Қарасанг чеҳрангни айлантириб, ўзингни ўзингга қийшиқ кўрсатиб, нуқул кайфиятингни бузгани-бузган...

* * *

Мушукнинг шукронаси:

— Яхшиямки, дунёда сичқон деган жонзот бор. Шулар туфайли бизнинг жойимиз тўрда, ҳамиша иззат-икромдамиз. Бахтимизга улар кўпайиб юришсин, ишқилиб...

**Сурайё АҒЛАЕВА**
**тайёрлади**

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши Урганч Давлат Университети санаторий-профилактарийси бош шифокори Дилором Юсуповага волидаи муҳтарамаси

**ШУКУРЖОН онанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 15408 Буюртма Г— 614

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.